

## Рух бу хабарчидир



15:03 / 15.01.2020 5123

Қабр азоби руҳга ҳам, жасадга ҳам бўладими? Унда йўқ бўлиб кетган жасадлар нима бўлади?

Қабр азоби ва роҳати руҳ ва жасадга бўладими?! Ёки руҳнинг ўзига бўладими? Бунинг жавоби жумҳур уламолар наздида неъматлар жасадга ҳам, руҳга ҳам бўлади. Шунингдек, азоб ҳам жасадга ва руҳга бўлади, дейилган.

Хўп яхши.

Эй дўстим! Инсон вафот этганидан сўнг икки, уч, тўрт йил ўтиб унинг аъзолари титилиб парчаланиб тупроққа айланиб кетади. Қандай қилиб сиз айтганингиздек жасад ҳам руҳ ҳам азобланиши мумкин? Уламолар бу ҳақида нафақат диний жавоб, балки илмий жавоб ҳам берганлар. Муслмонларнинг фалсафа илми билан шуғулланган Фаробий, Ибн Рушд, Ибн Сино каби уламолари ҳам бу ҳақида жавоб берганлар. Бу илмий ҳақиқат саналади.

У нима?

Инсон дунё ҳаётида икки таркибдан иборат, яъни у жасад ва руҳдан таркиб топган мавжудот саналади. Инсон вафот этиб барзаҳ ҳаётига ўтганда ҳам икки таркибдан, яъни жасад ва руҳдан иборат бўлади. Лекин, руҳ дунё ҳаётида жасадга киритилган бўлади. Яъни унга ҳибс қилинган

бўлади. Руҳ бир неча лаҳзаларда турли уфқларга мос ва муносиб бўла олар эди. Аллоҳ таоло ушбу руҳни инсон қафасига хибс қилиб қўйишни хоҳлади ва уни инсон ичига қамаб қўйди. Руҳ у жойда бир муддат, инсон умри тугагунича туради холос. Руҳ шу жойда хибсдалиқ муддатида ушбу жасаднинг ҳаракати билан у ер, бу ерга силжиши мумкин. Унинг бундан бошқа жойга боришга кучи етмайди. Чунки, у ушбу қафас ичига хибс қилингандир. Агар инсон вафот этса бу ҳолатнинг акси бўлади. Яъни аввал руҳ жасадга тобеъ бўлган бўлса, энди жасад руҳга тобеъ бўлади. Агар инсон ҳаёти яхшилик билан хотима топган бўлса у роҳат олади. Унинг руҳи турли уфқларга мос ва муносиб бўла олади. Яъни ушбу жасадга киришдан олдин бўлгани каби бир неча лаҳзаларда турли уфқларга мос ва муносиб бўла олади. Лекин руҳнинг ушбу жасад билан бўлган боғлиқлик риштаси руҳ қаерда ва қандай бўлса шундай давом этиб қолаверади. Бу худди қуёш шуъласига тамоман ўхшайди. Қуёш ҳозир биздан жуда узоқда турибди. Лекин унинг шуъласи бизгача чўзилган. Шунингдек, руҳнинг ҳам шуъласи бор. Руҳ турли уфқларга мос ва муносиб бўлсада унинг шуъласи ушбу жасаднинг зарралари билан боғланган. Бу зарралар оз ёки кўп бўлсада руҳ у билан боғланиб туради.

Жасад ушбу ришта орқали роҳат ва азобни ҳис қилиб сезади. Лекин, инсон кўп ҳолатларда ўзининг ўлиmidан кейинги барзаҳ ҳаётига қайтганида бўладиган ушбу илмий ҳақиқатларни эшитган вақтда, олган ушбу маълумотларнинг мезонини ўзи яшаб турган бу ҳаётдаги қоидалар мезонига солиб кўришга урунади. Бу хато нарса. Яъни у «Бу маъқул ёки бу тўғри келмаяпти», дейди. Чунки у эшитаётган нарсани ўзи яшаб турган дунё ҳаётидаги қонунларга солиб кўради.

Биз вафот этгандан кейин, у ерда бўладиган қонунлар бошқа нарса. Биз у ер, бу ерлардаги илм даргоҳларида олаётган ва ўрганаётган илмий қонунлар ким учун яратилган? Ушбу ер устида дунё ҳаётини яшаб ўтказаётган кишилар учун яратилган. Улар бу дунё ҳаётидан ўтганидан кейин бу қонунлар ёпилиб бошқа қонунлар очилади. Сиз билмайсиз, сиз у ҳаётда ҳали яшаб кўрганингиз йўқ. Аллоҳнинг баёноти сизга хабар берган. У ердаги ҳодисаларни сиз бу дунё ҳаётига тортиб келиб, уларни бу ердаги қонунларда қўллашингиз ҳам хато саналади.

Бу ерда «Роҳат ҳам, азоб ҳам руҳнинг ўзи учун бўлади, жасад бу нарсаларнинг ҳеч бирини сезмайди» - деб, ўйлайдиган кишилар ҳам учрайди. Воқелиқда бу хато нарсандир. Қиёматда ҳам, барзаҳ ҳаётида ҳам бўладиган оғриқ ва алам жасад учундир. Нима учун? Чунки руҳ олий

тўпладан тушган. Агар у кофир кишининг қалбида мавжуд бўлганида эди у ҳамиша ўзининг Холиқи ва Мавлосига ташна ва орзуманд бўларди. Куфр ва бузуқ йўлларни танлаган ушбу кишига мухолиф бўлар эди. Рух айтганимиздек олий тўпладан тушган. Агар руҳнинг ўзи азобланадиган бўлса сабабсиз азобланган бўлиб қолади.

Воқеликда руҳ нима? Рух бу хабарчидир. Рух агар жасад эгаси азобга лойиқ бўлса, унга азобни кўтариб келади. Агар жасад соҳиби неъматга лойиқ бўлса унга неъматни олиб келади. Рух жасад сезадиган ҳис туйғуни олиб келувчи чопардир.

***Имом Бутийнинг «Кубро ал-яқинияти ал-кавния» номли туркум суҳбатидан таржима қилинди.***

***Таржимон Абдуллоҳ Фуломов.***